

РҮЗНОМА
1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



26 АПР 1991

Қонунчиллик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

№ 45 (2309)

1991 ЙИЛ 25 АПРЕЛЬ

ПАИШАНБА

БАҲОСИ 10 ТИИИН

МАҚСАД—ЯХШИ

ҚУШНИЧИЛИК ВА ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон ССР Давлат делегациясининг Туркманистонга қўлган ташрифи ниҳоясига етди.

Ўзбекистон ССР билан Туркманистон ССР ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, шунингдек, иккала республиканинг ҳукуматлари ўртасида 1992—1995 йилларга мўлжалланган иқтисодий ва маданий ҳамкорлик ҳақидаги битим имзоланганлиги ташрифнинг асосий януни бўлди.

Ҳужжатларни Ўзбекис-

тон Президенти И. А. Каримов билан Туркманистон Президенти С. А. Ниёзов имзоладилар.

Яхши қўшничилик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадини кўзловчи йўл халқларимизни янада жипслаштиради, маҳаллий социалистик бирлашувни ривожлантириш учун янги уфқлар очади. Халқларнинг қардошларча ҳамкорлиги, чинакам дўстлиги кўпмиллатли федератив давлатимиз, барча иттифоқдош республикаларнинг куч-қуд-

рат чашмаси эканинга бизнинг ишончимиз комил, деди Туркманистон Президенти С. А. Ниёзов.

Республикаларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, ҳукуматлараро битим бебаҳо тарихий аҳамиятга эга бўлиб, ҳам Ўзбекистоннинг ҳам Туркманистоннинг истиқболни кўзловчи асл манфаатларига мос бўлиб тушади, деб таъкидлadi Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов.

(ЎзТАГ махсус мухбири).

КЕНГ ИМКОНИЯТ ЯРАТАДИ

Ўзбекистон ва Туркманистон жумҳурятлари ўртасидаги шартноманинг Ашхободда имзоланиши ургу-авлоди бир бўлган, бир дарё сувидан ичган иккни қардош ҳалқ тарихида қутлуғ сана сифатида қолади.

Ҳар томонлама ҳамкорликни кўзда тутган шартномада иккни жумҳурят адолиси осойишталигии сақлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилган. Жумладан, шартноманинг 9-моддасида: «Олий аҳдлашувчи то-

монар тенг ҳуқуқлилик асосида, шу жумладан, умумий мувофиқлаштирувчи институтлар орқали амалга ошириладиган ўз ҳамкорларни донрасига:

— иносон ҳуқуқларни мудофаза қилиш;

... — жинояччиликка қарши кураш масалалари киришини эътироф этадилар», — дейилган.

Шартномага бу бандиңг таътифларни бежиз эмас. Замонавий транспорт восита-

ларига эга жинояччилар бугун чегара билишмайди. Кеиниги пайтда юз берадиган катор оғир жинояччилар шундан далолат бериб турибди.

Ҳудудий ва маҳкамавий тўсиклар эса жумҳурятларнинг ҳуқуқни мудофаза қилиш идоралари олдида маълум бир кийинчиллар тудиради. Шартнома ана шу сунъий тўсикларни олиб ташлаб, халқларимиз тинчинни бузгаётган инопоклар билан курашда елкадошлиқ қилишга кенг имконият яратади.

ИШЧИ ГУРУХИ

МАЖЛИСИ

19 апрель куни Тошкентда Ўзбекистон ССР янги Конституциясининг республика Конституция комиссияси тасдиqlаган лойиҳасини тайёрлаш ишчи гурухининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда гурухнинг ўзининг, шунингдек, бўлажак лойиҳа ҳар бир бўлими юзасидан ёрдамчи гурухларнинг ишини ташкил этиш масалалари мухокама қилинди. Янги қонун лойиҳасини Ўзбекистон ССР мустақиллиги тўғрисидаги Декларацияда эълон қилинган қоидаларга тўла мос келиши лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Ишчи гурухи республика Давлат Нишони ва Байроги тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқувчи мутахассислар гурухи таркибини тасдиқлади. Бу гурухга фан, маданият ва санъат соҳаларининг таниқли арбоблари, сиёсатшунос ва ҳуқуқшунос мутахассислар киритилди.

Мажлисда, шунингдек, гурухнинг иш режаси тасдиқланди ва бошقا масалалар ҳам кўриб чиқилди.

(ЎзТАГ).



ҲАЛҚА СУЯНСАК КАМ БЎЛМАЙМИЗ

Сиддиқ ака билан ҳали сұхбатимиз бошланмасдан олдин у киши сўрадилар:

— Қаерда чиқармоқчисиз?

— Бирон-бир рўзномада.

— Сўраётганимнинг сабаби борда. Милицияга мунобабат негадир ўзгармаятни. Ишончизлар ҳамон кучли. Кимдан сўрасанг, нолигани нолиган.

Рост, менинг ҳам қўнглиминдан ана шундай хавотир ўтган эди. Биз ҷаончизга уларга ишончмаймиз.

Бир-бира мизни алдаб яшашни била миз-у, милицияни ёмонотлиқ ҳа чиқарамиз. Ахир, шулар ҳам биримизнинг отамиз, биримизнинг акамиз, укамиз, дўстимиз...

Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани ички ишлар бўлими бошларига ўринбосар, милиция майори Сиддиқ ака Конкелдиев билан бўлган му-

лоқотимиз шундай бошланди:

— Сиддиқ ака, бугунги сиёсий, ижтимоӣ ва иқтисодий қийинчиллар ҳамма соҳага таъсирини ўтказиб бўлди. Ҳамма ҳайратдан ёқа ушлайди: «Қандай замонларда яшаймиз-а? Тузумимизни номи нима? Эртага ишониб бўлмай қолди-ку?»

Хуллас, ҳали кўн нарсадан чарчади. Ҳам сиёсатдан, ҳам сўзамоллийдан. Сизларчи?

— Пешонамизга ёзилган ёзмиши кўрамиз-да. Қаёқда ҳам борадик. Замона шу. Шундай оғир кунларни бизга ҳеч ким бир ёқдан олиб келгани йўқ. Уз кўлмиз билан қилдик. Аччиги ҳам, ширини ҳам ўзимизни. Албатта, машақатлар ортида яхши кунлар ҳам бўлади. Ноумид яшамаслик керак.

Яна бир-бира мизни ҳадеб айблаш билан қаёқка бора миз?

Тўғри, таънангиз ўринли. Сиёсат шундай қалтис ўйин экан. Унинг майдонига ҳар ким ҳам кираверса, оқибати яхши бўлмайди.

Биргина бизнинг соҳамизни олинг. Нолиш осон: «Милиция ёмон. Уларнинг ўзи ўгри. Ен босгани босган», — деб. Ахир, шунча йил давомида ишлаб чиқсанган қонун-қоидаларнинг бугунга келиб ҳам деярли ўзарийшиз «ҳадётта кенг татбиқ этилаётгани» бизнинг оғримизни борлаб турибди-ку! Шаронт, имконият даражаларимиз турлича бўлмиши жумҳурятларда бу қонунларнинг амал қилиши бир хил. Ҳатто қонунларнинг айримларида бирорини никор этадиган ҳоллар ҳам учрайди. Бу зайлда

биз ҳуқуқий давлат қура олишимиз амри маҳол.

Энди кўп гапириш шарт мас. Ишлаш керак, Вазифамиз — фуқаролар тинчлигини, осойишталигини сақлаш. Шундай уddyалайлик.

— Эшитишмизча, жумҳурятимизнинг иуфузли маҳкамаларига келадиган шикояти хатлари орасиди чироқчиликлардан ҳам кўплаб арзомалар бор экан. Шуларнинг ичидаги тумандаги ҳуқуқтартибот идоралари фаолиятидан кўнгли тўлмабтандилари ҳам борлиги сир эмас. Нега одамлар излаётган асл ҳақиқатни топиш шунчалик қиний кечачтири?

— Ҳақиқат-машақат. Унга етиш ҳам мушук. Биздан мажаллий идораларнинг

(Давоми 2-бетда)



МУНОСИБ ҲИССА ҚУШИШМОҚДА

Андижон шаҳар ИИБнинг милиция бўлаги ходимлари топшириклари сидқидилдан бажаришиб, тартибузарлар ва жинояччиларнинг олдин олиш ишига муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда.

СУРАТЛАРДА: бўлак командирининг ўринбосари, милиция капитани Алишер Мирзакулов ходимларга навбатдаги топшириқ ҳақида тушириш бермоқда; милиция кичик сержант Ҳамиджон Мамадалиев «Граф» лақаби ити билан хизматни ўташга отланди.

Ғуломжон УБАЙДУЛЛАЕВ олган суратлар.

ХАЛҚА СУЯНСАК КАМ БҮЛМАЙМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда)

иш юритиш услуби ҳам қизиқ-да. «Сен менга тегма, мен сенга тегмайин». Арзимаган иш учун оддий одамнинг умри ҳар хил маҳкамалар эшикларида ўтиб кетаверади. Бирор ҳолинг не, деб сўрамаса. Қишлоқ шўросидан тортиб, давлат ва жамоа хўжалиги раҳбарларигача «отанг бор, онангга бор» билан шуғулланисди турареса. Бундай воқеалар фақат Чироқчидаги эмас. Узбекистоннинг исталган бурчагида содир бўлаяти-ку. Бунга сира ҳам ажабланманг. Москвада ҳам шу.

Аслида-чи? Шу масала худди шикоятчи ишлайдиган жойинг ўзида ҳал бўлиши керак эди. Маъмурий бўйруқбозлик касаллиги бизда ниҳоятда кучли. Уганини ушласангиз, уни қани ҳеч қандай далил-исботсиз айблаб кўринг-чи? Ҳалиги шикоятларга келса, албатта биз ўзимиз хатосиз ишлаймиз, ҳаммаси жойида дейишимишга ҳали эрта. Тўғри, камчиликлар кўп.

— Ўрга Осиёда яшайдиганларнинг кўпчилиги машхур Чияли бозорини яхши билишади. Нима десангиз топлади. Ажаблантирадиган ери шунида-ки, бу бозорда ҳеч қандай ўғирлик бўлмас экан?

— Тўғри, бу ерга келган киши бурчак-бурчакларда уюм-уюм бўлиб турган хуржунларни, халта, сумкаларни кўриб ҳайратланиши мумкин. Ҳеч ким тегмас эканда, деб. Ишонаверинг, бозор-ӯчар пайтида одамлар хуржунларини елкага осиб юришмайди.

Яқинда шу бозорда бир ўғри ушланди. Бошқа шаҳардан келган, аввал судланган. Костюм-шим ўғирлайдиган пайтида одамларнинг

— Шерқул, ҳўв, Шерқул!!!

— Мана, ҳозир чиқаипман!

Оила аъзолари билан чақчақлашиб ўтирган Шерқул Шермонов шошилиб ўрнидан турди-ю, ташқарига равона бўлди. Шу пайт нимадир қаттиқ гумбирлади, кўзлари чақмоқ чақчандек ярақлаб кетди. Кейин илдизига болта урилган даражадек турсиллаб ўқилди. Ортидан чопиб чиқсан оила аъзолари даҳшатдан қотиб қолиши, кимdir чинқириб юборди. Милитикдан отилган ўқ унинг миясини қип-қизил қонга белаб, ўпирб кетганди...

Зомин туманиндағи Хулкар қишлоғида ўтган йил 22 декабрь куни юз берган бу фожеани очиш ИИБ ходимлари учун қийин кечмади. Торғ этагида жойлашган бу қишлоқ унча катта эмас, саноқли хонадон бор. Ҳамма бир-бирини яхши билади. Шу боис, улар эртаси куни соат бешда қотил деб гумон қилинган, 1962 йилда туғилган, маҳсус механизациялашган кўчма колонида ишлайдиган Ибодулла Сангировнинг уйига кириб боришиди.

— Сиз узган ўқ Шерқулнинг ҳаётига сўнгги нутка бўлди, — дейиниши изқуварлардан бири унинг кўлидан 28-калибрли ов милитикни оларкан.

Бу гапни эшитиб, Ибодулланинг рангидаги ранг қолмади.

— Нима, у ўлибдими? Мен фақат қўрқитмоқчи эдим-ку, наҳотки?..

Ибодулланинг акаси автофалокат туфайли одамдан кўз юмгач, у оиласда ёлгиз фарзанд бўлиб қолди. Шунинг учуми, рўзгорни ташвишлари деярли унинг бўйинда эди. Нима киссин, чорасиз. У фақат етим болалари билан қолган янгасининг кўнглини кўта-

йўзи ушлаб олиб, аёвсиз калтаклашган.

Милициянинг аралашуви билангида унга аранг ажратиб олдик. Ҳозир тергов ишлари олиб бориляпти. Бу бозорнинг қонуни шундан иборатки, одамлар бир-бирининг молини зиддан қўриқлайди. Этгри кўл одамни дарров ушлашади.

— Ўғирлик қилиб қамалиб чиқсанларнинг кўпчилигин яна шу ҳунарини қлававари. Бир кунмас-бир кун қўлга тушишин сезса ҳам.

— Фикрингизни тушундим. Шунга бир мисол орқали жавоб бермоқчиман. Утган йили бир-бирига ўхшаш босқинчилари фактлари қайта-қайта содир этилди. Қидиравлардан ҳеч қандай натика чиқмади. Нима қилиш керак?

Мен кўп йиллар ахлоқ тузатиш колониясида ишлаганман. Ӯша ерда танишган эски «оғайнин»лардан бири худди биз шубҳа қилаётган ўғирликнинг ҳадисини олганлардан эди. Бироқ у Тожикистоннинг Ленинбод вилоятида яшарди. Тавактал дедимда, излаб бордим. Ҳизматдошлиарнинг ёрдами билан унинг яшаш жойи, кейнинг «фаолияти»дан хабардор бўлгач, кўнглим таскин топгандек бўлди. Нима қилиш керак? Олиб кетиш учун рухсатнома бўлмаса. Қонуншунос бўла туриб қонунни бузиш...

Уша кечаси Қаршига келиб, ҳамкаслар билан орқага қайтдим. Кеч кириши билан машинани узоқроқда қолдириб, бир ўзим унинг уйига кириб бордим. Эски қадрдонлардек кўришиб, сұхбатлашдик. Қайтиш олдидан рухсатномани кўрсатдим. У ҳам ҳеч қандай қаршилик сиз машинага чиқди. Буни қарангки, бир таваккал ту-

файли 1986 йилдаги жиноятлар ҳам очилиб кетди. Бу билан нима демоқчиман?

«Оғайнин»нинг яна қайтадан ўғирлик билан шуғулланишида кўпчиликнинг айни бор. Чунки «хизмат»ни ўтаб қайтган кишилар жойларда назоратга олинмайди. Уларни жойлаштириши билан деярли ҳеч ким шуғулланмайди ҳам. Оқибатда...

— Кексаларнинг айтишига қарараганда, аввалиннан қайсан қишилоқдан ўғри чиқса, ўша қишилоқ одамларини боши эзик юрган. Тўй-матъракаларга боролмаган. Ҳури чиқсан хонадон билан ҳеч ким олди-берди ҳам қилимаган. Ҳозирги даврга келиб эса «ўғирлик» сўзи «уддабуронлик» билан алмашиниб кетди.

— Ҳар бир миллиатнинг ўз урф-одати, эътиқод ўйланған қонун-аъмоллари бор. Ҳуммиттироқ миғёсида чиқарилган қонунларнинг ҳаммаси ҳам бизга тўғри келавермайди. Шунинг учун ўз қонунларини ишлаб чиқишимиз керак. Уни тузишда муқаддас Қуръони карим, ҳадислардан фойдаланмогимиз шарт. Ана шундагина увол

билан савоб унтутилмайди.

Сиддиқ аканинг араб алифбосида битилган китобларни бемалол ўқишини кўриб ҳайратландим. «Қаерда ўрган-гансиз», — дей сўрадим. У киши оғир тин олдиларда, давом этди.

— Бунинг тарихи узун. Отам катта билим эгаси эди. Бир воқеа ҳали ҳам эсимдан чиқмайди. 1985 йили мени Москвага ИИБ академиясига ўқиши юборишиди. Лекин бу кимлардагиде ёқмади, шекилли, изимдан иғво тарқатишиди. «Имомнинг ўғли. Узи ҳам диндор». Ҳатто ишонмайсиз, шу йили қалтис замон эканда, уйимизни ҳам тинтуб қилишибди. Шифтларни, деворларни бузуб, ўндан зиёд араб алифбосидаги китобларни олиб кетишган. Охири яхши одамлар ўртага тутишиб, ўқиши эсон-омон тутишиб келдим. Тил билсанг, кам бўлмас экансан.

— Сиз нима дейсиз, ҳуқуқий давлат қура оламизми?

— Албатта. Бу ишда ҳалқа суюнсак кам бўлмаймиз...

Жўра БОБОРАҲМАТ сұхбатлашди.



— Шерқул, ҳўв, Шерқул!!!

— Мана, ҳозир чиқаипман!

Оила аъзолари билан чақчақлашиб ўтирган Шерқул Шермонов шошилиб ўрнидан турди-ю, ташқарига равона бўлди. Шу пайт нимадир қаттиқ гумбирлади, кўзлари чақмоқ чақчандек ярақлаб кетди. Кейин илдизига болта урилган даражадек турсиллаб ўқилди. Ортидан чопиб чиқсан оила аъзолари даҳшатдан қотиб қолиши, кимdir чинқириб юборди. Милитикдан отилган ўқ унинг миясини қип-қизил қонга белаб, ўпирб кетганди...

— Янга, тинчликми?

— Тинчлик, шундай ўзим. — Инглаганга ўхшайсизку?

— Йўғ-е...

Хуллас, бева аёлнинг кўнглидаги ранг ва ўқинч бойсимини билмагунча қўймади.

— Қўявверинг, ука, битта ахмоққа тенг бўлиб ўтирасизми...

— Очикроқ гапирсангизчи..

Янгасининг кўзларида ёш йилтиради.

— Эркак киши ўйнинг дарвозаси экан. Акангиз раҳматли тирик бўлганларидан... — у филт этиб тупугни ютди. Кейин кўз ёшларни рўмолининг учун билар артди. — Кеча нариги қўшним бор-ку, Шерқул, уша яшшамагур ичб олганми, дейман. Бир нарсалар кўлоқ солмаганди. Мана, оқибати.

Киши юрак-багрини ўртаб юборувчи бу сўзлар ҳаммани карахт қилиб қўйди гўёки. Шу жумладан, жиноятни очганлар — Зомин тумани ИИБ бошлири, милиция подполковники Бўри Бозоров ҳам, катта участка вайдишини вакили, милиция капитани Тургун Жуманов ҳам бир марта виждан амрига қўлоқ солмаганди. Мана, оқибати.

Ибодулла газабдан шамолдаги баргдек титраб кетди. Янгасига ҳеч нарса демади-ю, оғзига кучи етмаганинг бир таъзирини тупугни ютди. Нихоян миясига келган фикрдан қувониб кетди. Бир пўлписа қилиб қўймокчи бўлиб, уйдан милитини чиқиб, чиқиб. Буни қўшилар кўрган экан.

— Мен фақат ҳавога ўқ

узиб, уни қўрқитмоқчи эдим. — дейди у гўёки ўзига ўзи гапирайтандек пичирлаб. — Унинг қонини тўкиш етти ухлаб тушишга ҳам кирманди. Қандай даҳшат. Ҳаммасига ўзим айбордорман!!!

«Ҳаммасига ўзим айбордорман!» деган сўзларини унинг отаси Анорқул Сангиров ҳам ҳолсизгина тақрорлади:

— Ҳаммасига мен айбордорман!

Аввалига унинг афсус-надоматига ҳеч ким тушумади. Бошқа нарсага йўйишиди. Тушунишгандан кейин эса нима қилишини, пешонасига шаппатилаб ураётган отага нима деб далда беришини, унинг ярасига ҳандай малҳам қўйишини ҳеч ким билмади.

— Мен маҳалла қўмитасининг раисиман, — дейди Анорқул ака гам-андуҳ чўккан нигоҳини узоқларга маънисиз тикиб. — Бундан атиги бир ой олдин участкавойи мелиса борку...

— Милиция капитани Сангиловий

— Ҳа, уша иккимиз маҳаллан айланни, рўйхатга олнишади. А. Голубоцкий тезда ўзига мос келадиган «шерик»ни ҳам тошиб олди. Ҳеч қаерда ишламаса ҳам, кунлари шохона ўтаверди. Шунинг учун ҳам бу шаҳарга келганига уч ўйлаб бўлса да, бирор ишнинг бошини тутай демади. А. Голубоцкий «оғайнин»си Александр Токров билан биргаликда фуқароларнинг шахсий мулкини ўғирлар ва шу пуллар ҳисобига бойваччалардек яшарди. Яқинда у юйга етмаган «шогирд»лари билан навбатдаги хонадоннинг эшигини бузуб кириб, у ердан анчамунча кийим-кечакларни ўмариди кетаётгандага осойишталиник посбонлари томонидан қўлга олниди.

М. АБДИЕВ.

СИРЛИ ПОРТЛАШ

Шу йил 17 апрель куни эрталаб соат 10 дан 43 дачида ўтганда Ҳонқа туманинг Бобоевномли жамоа ҳўжалиги аъзоларини қаттиқ портлаш саросимага солиб қўйди. Ҳўжалик аъзоси К. Матчонов хонадонида содир бўлган мудҳиши воқеа натижасида 1987 йилда туғилган А. Ахмедов, 9 ёшли К. Нурматов кўйиладилар ва шифохонага жўнатилдилар. Шу кунларда иччи яшлар бўлими ва прокуратура ходимлари сиёли портлашнинг сабаблари ўрганимоядалар. М. МИРЗОИДОВ, иччи хизмат майори.

ЎҚ УЗИШГА

МАЖБУР БЎЛДИ


Шу йил 2 апрель куни кеч соат 21 дан қирқ беш минут ўтганда Файзула Ҳўжаев тумани иччи яшлар бўлими ҳузуридаги қўриқлаш бўлнимини марказлаштирилган соқчиллик пультига Студент кўчасида жойлашган 23-йдаги «ташвишогоҳ»дан ўйга кимдир кирганлигини билдирувчи сингал тушди.

Ҳонадон эгасининг ўзи келган тақдирда, пуль операторига маълум қилиши лозим эди. Аммо бундай хабар бўлмагач, пультига қўлга олиш гуруҳи зудлик билан воқеа жойнга етиб борди. Эшниң қия очиқ ҳолда турар, бу эса хонага ўғри тушганлигидан дарак берарди. Қўлга олиш гуруҳи ходимлари тезкорлик билан ўтганнинг қочиши мумкин бўлган ўйларни тўғсан ҳолда ичкарига ўналишиди.

Ташқарига келиб тўхтаган машина мотори ва қадам товушларини сезиб қолган ўғри саросимага тушшиб, тезор «куён бўлиб қолиши» ниятида ташқарига отилди. Лекин йўлакда рў

КАЗАРМА ҲОЛАТИ

ЁХУД ТОШКЕНТ ЗИЛЗИЛАСИ ДАВРИДА ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ



1966 йилнинг 26 априлни Бу кун барчанинг ёдида қолган. Ҳатто ўша куни Тошкентдаги барча соат миллари 6-ю 22 дақиқада тўхтаб қолди. В баллик зилзила ҳамма ёки остин-устин қилиб юборди. Ахвол ниҳоятда оғир эди.

Юзага келган шаронт шаҳар ижроқуми милиция идоралари ва бўлаклари шахсий таркибини казарма ҳолатига тақозо қиласди.

Шундай оғир кунда милициянинг офицер ва оддий ходимлари, ёнғиндан сақлаш қисмларининг жангчилари, ҳарбий хизматчилар чакрикни кутмай ўз хизмат жойларида тезликда ҳозир бўлди.

Шундай оғир кунда мили-

Шаҳар жамоат тартибини сақлаш бошқармаси юқоридан бўладиган ҳеч қандай кўрсатма ёки бўйруқни кутмай, зудлик билан ҳукумат идоралари, банклар, омонат кассалари, дўконлар ва бошқа ҳалқ ҳўжалик обьектларини кўриқлашни кучайтириди.

Зилзила оқибатида 2 миллион квадрат метр тураржой, 8500 хонадон, 255 болалар муассасалари, 181 билим юрти, 690 савдо ташкилоти, 185 тибий муассасалар, 84 маъмурӣ бино, 25 коммунал ҳўжалиги, 245 ишлаб чиқариш корхоналари вайрон бўлди, 68000 оила бошпанасиз қолди.

Юзага келган ахвол мили-

циянинг бор куч-имкониятларини жамоат тартибини сақлашга қаратиш кераклигини тақозо этарди. Шунинг учун асосий эътибор патруль-пост хизматини кучайтиришга йўналтирилди. Чунки пойтактнинг 20000 аҳолиси палаткаларга жойлаштирилган жой ўзига хос шаҳарча тусини олганди. Милицияга ёрдам тарикасида Туркистон ҳарбий округи ҳар куни билим юрти курсантларининг 300-400 нафарини шаҳар ички ишлар бўлимига жўнатарди. Бундан ташқари Москва округидан мотоўчиликлар батальони етиб келди. Кейинроқ эса яна бир ротаси юборилди.

Шаҳардаги жамоат тартибини сақлаш ишига кунига 3500 дан 5500 нафаргача фуқаролар ҳам жалб этилди. Аҳоли зич жойлашган ерларда оператив пунктлар ташкил қилинди.

Асосий иш участка вакиллари зиммасига тушди. Улар биринчирилган ҳудудларда тартиб-интизомни доимий назорат қилиб турдилар.

Милиция ходимлари ҳар бир қонунбузарликка қарши мурасиз бўлиб, унинг авж олишига йўл қўймай, сергак турдилар.

Тунда патрулликдан қайтаётган милиция капитани Е. Титов бир одамни учратди. У ҳозиргида номаълум шахс томонидан туналганини айтди. Е. Титов жебрланувчини мотоциклга ўтказиб, талончини кува кетди. Бир ўзи жиноятчилар билан олишиб, уларни бўлимга келтириди.

Табиий оғат мўмай даромад иштиёқида юрган жиноятичи унсурларга, дайди ва тиланчиларга жуда қўл келганди. Темир йўлларга назорат-руҳсат пунктлари ва оператив гуруҳлар кўйилди. Худди шундай гуруҳлар вокзал, қўнагла ва автобекатларда ҳам ўз фаолиятини бошлади.

Бўён, кўёш тутилиши, ер силкенишлари шаҳар аҳолисини ваҳимага солерди. Бунинг устига ҳалқ орасида ҳар хил асоссиз ваҳималар тарқатувчи кимсалар пайдо бўлганди. Бундай шахсларга қарши кураш зарурити туғилди. Участка вакиллари, патруллар, комсомол-оператив отрядлари, кўнгиллиларга аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб бориш вазифаси юклатилди. Нати-

жада у ўзининг самарасини берди.

Вайрон бўлган шаҳарни тиклаш учун Тошкентга 30 та қурувчи поезд келганди. Улардаги 28000 ишчи ва қурувчиликлар палаткаларда яшарди. Ишдан бўш вақтларида қизиқарли машғулот топа олмаган ёшлар спиртли ичимликлар истеъмол қилишар, унинг оқибатида тез-тез ораларида, баъзан маҳаллий аҳоли ўртасида жанжал ва муштлашиш содир бўларди.

1966 йилнинг 12 июлдан 13 июлга ўтар кечаси қурувчиликлар базм қурдилар. Маст йигитлар «Украина» шаҳарчасига бориб, Днепропетровск ва Киевдан келган қурувчиликларни ҳақоратлаб, жанжал чиқармоқчи бўлдилар. Милиция ходимлари билан ҳарбий патрулнинг биргаликдаги дадил ҳаракатлари туфайлигина тартиб ўрнашишга эришилди.

Тошкент зилзиласи даврида жамоат тартибини қўриқлашда Тошкент Давлат доирофунуни, электрокабель, электромеханика, Чкаловномли авиация заводлари, алоқа олийгоҳи, 3-онн заводи кўнгилларининг хизматлари бекиёс бўлди.

ЎзССЖ жамоат тартибини сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ижроқуми жамоат тартибини сақлаш бошқармаси штабининг милиция ва жамоатчиликнинг кучларини оқилона тақсимлаши туфайли 1966 йилда содир этилган барча қонунбузарлик ва жиноятилар тўла очилди. Милиция ходимларининг актив ишлаши натижасида янги шаҳарни тиклаётган 9 та участкада деярли ҳеч қандай қонунбузарлик содир этилмади.

Ҳа, шундай. Ҳозирги Тошкентнинг барпо этилишида ички ишлар идоралари ходимларининг бекиёс хизмати бордир.

Г. ПОЛОЗОВ,
Ўзбекистон ССЖ Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти катта илмий ходими.

Р. ҲОШИМОВ,
ССЖИ ИИВ ёнғиндан сақлаш музандислик-техника олий мактаби катта илмий ходими, ички хизмат полковники.

СУРАТЛАРДА: зилзиладан вайрон бўлган бино; биринчи ёрдамга милиция ходимлари етиб келиши; тошкентликлар вақтингча мана шундай чодирларда яшашди.



Алишернинг ички ишлар идораларида ишлайтанига ҳали кўп бўлгани ўйқ. Аммо ўз қасбига меҳр қўйиб ишлапши оқибатида тезда сафдошлари назарига туши.

Милиция кичик сержантни А. Рустамов қаерда бўлмасин тартибузарликни кўрса, лоқайд ўтиб кетолмайди.

Яқинда хизматдан сўнг ўйига қайтаётган Алишер бир толибнинг бошидан телпагини олиб, уни дўппослаётган уч йигитни кўрди-ю, улар томонга шошилди. Безориларнинг бири телпакни олиб қоча бошлади. Аммо ажир милиция ходимининг бақувват қўлларидан қочиб кутула олмади. Уч нафар қонунбозар Октябрь туманинг ИИБга келтирилди. Бир ўзи уч безорига бас келган А. Рустамов Тошкент шаҳар ИИБ томонидан рағбатлантирилди.

А. Рустамов ўзи яшаётган жойда ҳам тартиб ўрнатиш ишнга муносаб ҳисса қўшиб келмоқда. Маҳалла аҳли ҳам Алишердан миннатдор.

ҲАМИДУЛЛА ЙУЛДОШЕВ,
Иби Сино номидаги маҳалла қўмитасининг раиси.

ҲАР БИР ХАТ

ЭЪТИБОРДА



Қарши шаҳар ИИБ бошлигининг хонасидан чиққач, отасининг ҳовлисига йўл олди. Чунки бир неча кун бурун ЖҚБ ходимлари амалга ошираётган ишларни тасвирлаш тушуни тикишни кўришмади. Бор-йўқ илинжи шундан. Лекин уни ҳандай қилиб олади. Ҳар бир ҳардакини кузатиб турешган бўлса, ажал пурковчи балонинг оғзи эса унга қаратилиган...

Иложини топиш керак. Томонлари қақраб, лаблари қуриб борарди. Қўллари ҳам оғирлашиб қолтанди. Бир амаллаб ўзини ўнглаб олди. Фикри тиницлаша бошлади. Қулай пайт келганди.

Чексам дегандим.

Хумори тутдими, ма, ол.

Ўзимда ҳам бор. Менга ўша маъқул.

У сигарета олмоқчи бўлгандек, костюмига кўл солди. Ҳавотир арадаш тўппончинини ушлаб кўрди. Турибди жонивор. Вужуди ниҳоятда тараанглаши. Озигина хото қиласа, тамом. Ҳаёти ҳозир қил устида турибди. Ҳар бир лаҳза ё у томон, ё бу томон фойдасига ишланинг мумкин.

Ниҳоятда эҳтиёткорлик билан сақлагатиги (предохранитель) туширилди. Сўнг...

— Қимирламанглар, отаман...

У ҳайқириб, жон ҳолатда ўрнидан отилиб турди.

Ишининг тескарисига айланганини кўрган Головин мильтиқиа ёпишиди. Аммо биринчи ўқдан қўлни чанталлаб қолди, мильтиқ сирғалиб ерга тушди.

— Ўлдираман.— Асқар хириллаб унга ташланди.

Эргаш сапчиб ўзини четга олди. Пичноқ бориб деворга урилди. Асқар ўзини ўнглаб олди, яна унга ташланди. Иккинчи ўқдан ерга кулади. Ўқ тамом бўлиб, тўппонча отилмай қолтандан кейинги Эргаш атрофга олазарак бўлиб қаради ва ҳолензлашиб ўтириб қолди. Бўгин-бўгинларигача титрарди...

Илоҳим, ҳамиша шундай бўлсин. Эргашларни Алномиши, Фарҳод, Айвар, Оtabеклар руҳи ҳимоя этсин, уларга мардоналик бахшида қилсан...

Шунингдек, шаҳар ва тури ИИБларида фуқароларнинг хатлари билан ишлап масалалари атрофлича қўриб чиқилмайди. Бу каби камчиликлар ССЖИ ИИБ ҳайъатининг 1990 йил 27 августда қабул қилган қарорига амал қилинган ҳолда бартараф этилиши лозим.

Б. АДАШЕВ,
милиция капитани.

ТУШИНАШСВ

Э. РАҲМАТОВ РАСМЛАРИ

(Давоми. Боши ўтган сонда)

1990 йил октябрининг охирлари. Қарши шаҳридан 66-йй ёнида шубҳалик иккича шахс милиция ходимлари томонидан ушланди. Улардан бири яқиндагина, тўғрироғи З октабр куни қамоқдан озодликка чиқкан Сергеј Барсуков эди. Иккинчи сизга таниш Асқар. Барсуковнинг чўнтақлари текширилганда, анчагина миқдорда қора дори, катта суммада пул ва соvuқ қуоротпилди. Сергеј яшаб турган уй, яъни Асқарнинг хонадони кўздан кечирилганда, у ердан ҳам қорадори, ўқ отар қуролнинг кесилган стволи чиқди. Шу пайтнинг ўзида жинонӣ иш қўзгатилиб. С. Барсуков ҳибса олини.

Асқарнинг пайтавасига курт тушди. Чунки унинг ёнига келган «мехмони» тумшугидан илниб ўтириди. «Мезбон» уни «ёмон кўз»дан асрар қоломлади. Бу унинг ношудлиги. Асқарнинг газаби қайнарди. Наҳотки унинг нуфузи тушшиб кетади. Нимадир қилиш керак...

Фақат биргина йўл бор. Қандай қилиб бўлса ҳам Сергејни қутқариши шарт. Акс ҳолда ўзи сиртмоқда тушади. У суддан кўра, «оғайнин» ларининг муҳокамасини хаёлидан ўтказар экан, даҳшатга тушди...

Ўйлаб-ўйлаб эртасига Қарши шаҳар ИИБ бошлиги ўринбосари — бурчандаги «тутқун» ёнига келди. Аввал ялинди. Сўнг авраб кўрди. Катта мукофот ваъда қилди. Бирор натижка чиқмаслигига, бу милиция ходимининг сотилмаслигига ўзи етгач, эски «усулини» кўллади. «Менга қара юнит, агар Сергејни қутқаро олмасам, ишимнинг пачаваси чиқади. Энди тушунгандирсан. Менга хоҳ сенинг қўлинга, хоҳ бошқанинг қўлида жон бериш баригар. Сергејни бўшат».

Рад жавобини олгач, сўнгинганича чиқиб кетди.

Эртаси яна келди. Дангал ҳужумга ўтди: «Вовчик иккадамиз барча наркоман, ўғри, фоҳишаларни шига соламиз. Ҳар куни ўнлаб, юзлаб жиноят билан шаҳарни алғов-далғов қилиб ташлаймиз. Натижада сен ва начальникнинг Бекмуродов ишдан кетасанлар».

Жавоб қатъий эди: «Мен ва Бекмуродов бошқаларга ўхшаб дўқ-пўнисалардан чўчимаймиз. Қонунни бузган албатта жазосини олади».

Шундайми, озигина сабр қил, кунингни кўрасан.

Бу сұхбатдан сўнг қаҳрамонимиз шаҳар ички ишлар бўлими бошлиги, милиция подполковники М. Бекмуродовга аҳволни баён этди. Ва билди, Бекмуродовни ҳам тинч қўйишмайтган, таҳдидли сим қоқишилар тинмаётган экан.

...Кунларининг бирида жиноят қидирив бўлими ходимлари билан кундаклик иш реjasини тузаттанди, қўнгироқ жиринглаб қолди. Симнинг нариги чеяқасидаги киши уни буралатиб сўкарди. Бу Головин эди. Катта лейтенант совуғонлик билан жавоб қайтарди. Лекин асаблари ниҳоятда тараанглаши.

Бошқа тоқат қилиб бўлмайди. Шу куни у яна бошлиқ ҳузурига кирди. Бекмуродов ишларни ИИБга кўнгироқ қилиб, вазияти тушунтирди ва керакли маслаҳатлар олди.

Бироз вақтдан сўнг бошлиқ ва ўринбосарнинг телефонларига овоз ёзувчи махсус ускуна ўрнатилди. Ҳар хил усолдаги асаббузарлик давом этарди...

Ўтган йил декабрининг 7-кунни оадатдаги ўтарида. Кеч соат беъзларда хонага Асқар кириб келиди.

Бугун кечқурун бозинг уйга боришинг шарт.

— Сабаб?

— Головин, мен ва пойтахтлик мэҳмон бўламиз. Келишиб олишимиз керак.

— Нимани?

— Масхара кетмайди бу ерда. Албатта боришинг керак.

— Үзингиз келишиб олаверинг.

— Афсус қиласан ҳали.— деда Асқар чиқиб кетди.

Бироз ўтгач, уни бошлиқ йўқлади. Кечқурун темир ўйлаб шоҳбекатига бориши лозимлигини, у ерда ҳайси ишни амалга ошириши кераклиги ўқтириди.

— Айтмоқчи, сени телевизордан кўрсатишди-я. Ҳа... обрў-эътиборинг ошиб кетяпти. Бизники эса... Бунга сен айборсан, сен. Агар талабимизни бажарсанг, кечирамиз, кейин телевизорга ҳам чиқасан. Йўқса итдек ўлиб кетасан, одамлар сени бошқа кўрмайди. Нима дейсан, шартимизга кўнсанми?

Ҳа, бугун уни телевизордан кўрсатишди.

Бекмуродовнинг хонасидан чиққач, отасининг ҳовлисига йўл олди. Чунки бир неча кун бурун ЖҚБ ходимлари амалга ошираётган ишларни тасвирлаш тушуни тикишни кўришмади. Бор-йўқ илинжи шундан. Лекин уни ҳандай қилиб олади. Ҳар бир ҳардакини кузатиб турешган бўлса, ажал пурковчи балонинг оғзи эса унга қаратилиган...

Иложини топиш керак. Томонлари қақраб, лаблари қуриб борарди. Қўллари ҳам оғирлашиб қолтанди. Бир амаллаб ўзини ўнглаб олди. Фикри тиницлаша бошлади. Қулай пайт келганди.

— Чексам дегандим.

— Хумори тутдими, ма, ол.

— Ўзимда ҳам бор. Менга ўша маъқул.

У сигарета олмоқчи бўлгандек, костюмига кўл солди. Ҳавотир арадаш тўппончинини ушлаб кўрди. Турибди жонивор. Вужуди ниҳоятда тараанглаши. Озигина хото қиласа, тамом. Ҳаёти ҳозир қил устида турибди. Ҳар бир лаҳза ё у томон, ё бу томон фойдасига ишланинг мумкин.

Ниҳоятда эҳтиёткорлик билан сақлагатиги (предохранитель) туширилди. Сўнг...

— Қимирламанглар, отаман...

У ҳайқириб, жон ҳолатда ўрнидан отилиб турди.

Ишининг тескарисига айланганини кўрган Головин мильтиқиа ёпишиди. Аммо биринчи ўқдан қўлни чанталлаб қолди, мильтиқ сирғалиб ерга тушди.

— Ўлдираман.— Асқар хириллаб унга ташланди.

Эргаш сапчиб ўзини четга олди. Пичноқ бориб деворга урилди. Асқар ўзини ўнглаб олди, яна унга ташланди. Иккинчи ўқдан ерга кулади. Ўқ тамом бўлиб, тўппонча отилмай қолтандан кейинги Эргаш атрофга олазарак бўлиб қаради ва ҳолензлашиб ўтириб қолди. Бўгин-бўгинларигача титрарди...

Илоҳим, ҳамиша шундай бўлсин. Эргашларни Алномиши, Фарҳод, Айвар, Оtabеклар руҳи ҳимоя этсин, уларга мардоналик бахшида қилсан...

Шунингдек, шаҳар ва тури ИИБларида фуқароларнинг хатлари билан ишлап масалалари атрофлича қўриб чиқилмайди. Бу каби камчиликлар ССЖИ ИИБ ҳайъатининг 1990 йил 27 августда қабул қилган қарорига амал қилинган ҳолда бартараф этилиши лозим.

Муҳаррир
Зокир ОТАЕВ.

Узбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Медия Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Саноқли дақиқадан сўнг яна сакраб ўрнидан турди. Шоша-пиша қуролини ўқлади. Мажбурлан хәлини бир жойга ийди. Улрага ёрдам бериш керак. Ялт этиб миасига шу фикр келди. Ҳозиргина даҳшат солиб турган, энди эса ерда чўзилиб ётганларнинг томонини ушлаб, эшта бошлади. Отилган ўйларнинг ҳаммаси мўлжалга тескани учун тиббий ёрдамга ҳожат қолмади. Шеरиклари ҳўқуматкан? Шу нијатда у охиста йўлакка чиқди. Жим-житлик. Пастга тушшиб атрофга қаради. Ҳеч зог кўримнади. Бунга қаноат ҳосил қилгач, шу яқин ўтрадаги участка вакилинг хонасига қараб чопди. Кира-солиб шаҳар милицияси навбатчисига кўнгироқ қилди.

«Бекмуродов қаерда?» Биринчи гали шу бўлди. Симнинг нариги чеккасидан овоз тутатди.

— Шу ерда. Хонасида ўтириби.

— Хайрият-э!

Унинг сўзларидан навбатчи ҳайрон эди. Бироз жим қолгач, Бекмуродовга улаб беришини сўради.

...Бир неча дақиқадан кейин Қарши шаҳар Асқар ишларни олиб, уни дўппослаётган уч йигитни кўрди-ю, улар томонга шошилди. Безориларнинг бири телпакни олиб қоча бошлади. Аммо ажир милиция ходимининг бақувват қўлларидан